

ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЬНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ

Нажметдинова Мавлуда Мамасодиковна

Фарғона давлат университети Мусиқа таълими ва маданият кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7140354>

Аннотация. Мақолада оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари, тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари атрофлича таҳлил қилинади. Шу билан бирга оммавий-маданий тадбирларнинг ёшлар маънавиятига таъсири масаласи кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: оммавий-маданий тадбирлар, назария, жамият, маънавият, маданият, дунёқараши, гоя, тарбия, ижтимоий-сиёсий ривожланиши, маърифий, маориф.

РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННО-КУЛЬТУРНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНОГО МНЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В статье подробно анализируются теоретические основы массовых культурно-массовых мероприятий, сущность мероприятий, место молодежи в обществе, их цели и задачи. При этом рассматривается вопрос о влиянии культурно-массовых мероприятий на духовность молодежи.

Ключевые слова: культурно-массовые мероприятия, теория, общества, духовность, культура, мировоззрение, идея, воспитание, общественно-политическое развитие, образование.

THE ROLE OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS IN RAISING YOUTH'S SPIRITUAL OUTLOOK

Abstract. The article analyzes in detail the theoretical foundations of mass cultural events, the essence of events, the place of youth in society, their goals and objectives. At the same time, the issue of the influence of cultural events on the spirituality of young people is considered.

Keywords: cultural events, theory, societies, spirituality, culture, worldview, idea, socio-political development, education.

КИРИШ

Ўзбекистонда ташкил этиладиган оммавий-маданий тадбирлар ўзининг мазмун-моҳияти билан миллий ва маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий маънавий меросимизга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ривожланишида муҳим қадам бўлди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Оммавий-маданий тадбирлар ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда уларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, буюк маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний айтганидек, “Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлик”.

Миллатни миллий тарбия шакллантиради. Миллий тарбия – халқ педагогикасининг муҳим бир йўналиши. Халқ педагогикаси асрлар давомида яшаб келди. Аждод-

авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигига ҳал қилувчи рол ўйнади. У ўзининг йўналиши, ибратли хуносаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-мантиқ жихатдан мукаммаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қиласа арзидиган буюк меросдир. Шунингдек, ҳалқ педагогикаси ҳалқ оғзаки ижодига таянади. Зеро, ҳалқдаги ижодкорлик хусусиятининг ўзи ҳам ҳалқ педагогикаси заминида вояга етади.

Ҳалқ оғзаки ижоди битмас-туганмас хазинадир. Унинг бойликларидан қанча қўп баҳраманд бўлсак, шунчалик бойиб боради. Уни қанчалик чукур ва қўп ўргансак, у ўзининг янги қирраларни шунчалик қўп зоҳир этади. Бинобарин, ўзбек ҳалқ ижодиёти аждодларимизнинг қўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо миллий қадриятларимиздан биридир.

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилиш ва уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига йўналтирилганлигини таъминлаш муассасалари раҳбарлари, аввало, ўқув юрти раҳбарларининг маънавий-марифий ишлар бўйича ўринбосарлари вазифасига киради. Улар ўқувчи-ёшларни оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўлларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг мактаб ва мактабдан ташқари фаолиятидан хабардор бўладилар ва назоратга оладилар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишда қўйидаги жихатларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

- оммавий-маданий тадбирларда юқори интерактивликка эришиш;
- ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини ташкил этиш;
- тадбирга комплекс ёндашиш;
- тадбирнинг маънавий-ахлоқий, миллий, тарбиявий руҳда бўлиши;
- инсон ва жамият манфаатларига уйғунлиги ва х. к.

Профессор Усмон Қорабоевнинг таъкидлашича, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишида аждодларимиздан бизгача етиб келган “Наврўз”, “Меҳржон”, “Сада”, “Анғом” каби байрамлар муҳим аҳамият касб этади. Уларда яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоюронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги акс этиб, бу давр одатларида эзгулик, меҳрибонлик, муруватлилик, қадр-қиммат, инсонийлик каби маънавий инсоний фазилатлар қадрлана бошланди.

Бугунги кунда “Мустақиллик қуни”, “Наврўз”, “Янги йил”, “Хотин-қизлар”, “Ўқитувчи ва мураббийлар қуни” байрамлари билан бирқаторда “Рамазон” ва “Қурбон” ҳайитлари ҳам оммавий-маданий тадбир сифатида нишонланмоқда. Мазкур оммавий-маданий байрамларни барча давлат муассасалари, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, санъат муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, мудофаа ташкилотлари, спорт, экспурсия-туристик муассасалар, курорт, соғлиқни сақлаш ва дам олиш ташкилотлари ўз ишининг бир бўлаги сифатида, яъни асосий вазифаларидан ташқари холда уюштириб, мазкур тадбирлар орқали меҳнаткашларнинг дам олишларини, тарбиявий, маданий-маърифий ишларини ташкил қиласидилар.

Жамиятнинг маънавий янгиланиш жараёнида ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, уларнинг билимдонлигини ошириш мақсадида оммавий-маданий тадбирлар

билин бир қаторда тарбиявий ва маданий-маърифий ишни узвий холда ташкил қилишлари талаб этилади. Таълим муассасаларида олиб бориладиган оммавий-маданий тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, жараёнга сингиб кетган бўлиши лозим.

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирларни аниқ режалаштирмай туриб, улар орасида бу борадаги тарбиявий тадбирларни самарали олиб бориб бўлмайди. Бу борада белгиланган тадбирларни олиб борадиган хар бир ташкилотчи шу тарбиянинг мохияти, усуллари, шакллари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур.

Ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирлар заминида кундалик турмушда, фаолиятимизда миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга амал қилинади. Булар миллий маданиятимиз, маънавиятимизнинг асосини ташкил этади.

“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқотини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Оммавий-маданий тадбирларда кўпроқ ғоявий-ахлоқий ва маънавий тарбияга эътибор қаратилади. Чунки ғоявий-ахлоқий тарбия билан маънавият мезонлари кўпроқ ёшлар маънавий дунёқарашини юксалтириш учун асосий омил бўлади. Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Ахлоқ – бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, халоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон тарбияси хақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиқарганлар.

Оммавий-маданий тадбирлар натижасида ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда юқори самарадорликка эришиш учун, бу тадбирларни ташкил этиш ва ўтказища тарбиявий таъсир алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ҳолатда ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини кечишига ундейдиган механизмларни ишга солиш лозим. Маънавий-ахлоқий тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашда ёшларнинг фазилатларини ривожлантириш ва кундалик одатларни ижобий томонга ўзгартиришга ундейдиган эҳтиёжлар асосий мазмун касб этади. Бу эҳтиёжлар хақида сўз борганда, миллий, маънавий-ахлоқий, инсонпарвар қадриятларга асосланган дунёқараашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тарихимиз, буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мерос, маърифий анъаналар шундан далолат берадики, мамлакатимизда илму маърифат, таълим ва тарбияга инсон етуклиги, миллат равнақи, жамият тараққиётининг муҳим шарти ва гарови деб қараб, уни доимо такомиллаштириш замон талабларига мос ҳолда амалга оширилган.

Оммавий-маданий тадбирларнинг юқори тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши ва кўзланган мақсадга эришиши учун ташкилотчи-ходимлар бу тадбирлар орқали бажариши лозим бўлган асосий вазифаларга асосланиши ва шу вазифаларни бажаришни мақсад қилиб олиши ҳамда бунга эришиш учун зарур муҳит яратиши лозим бўлади.

Оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилувчи ходимлар ёшларда ўзини-ўзи тарбиялашни йўлга қўйиши учун уларга истиқболни аниқ кўра билишларида, унга эришиш йўлларини излаб топишида, юксак идеалларга эга бўлишларида ёрдам бериши ва имконият яратиши лозим. Бу борада ташкилотчи оммавий-маданий тадбирлар орқали ёшларда халқимизнинг қуийдаги миллий хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутиши керак:

- халқимиз хаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлигини;
- Жамоа тимсоли бўлган оила, махалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслигини;

- ота-она, махалла-куй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътиборни;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига мухаббатни;
- каттага ҳурмат ва кичикка иззатни;
- меҳр-мухаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи бўлган аёл зотига эҳтиромни;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварликни;
- ҳалоллик, меҳр-окибат кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилишда ва ўтказишида ташкилотчи ходимлар қўйидаги:

- инсон ҳақ-хуқуклари ва хурфиқрилилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга ҳалқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби умумбашарий қадриятларга асосланиб сценарийлар яратиши мақсадга мувофиқдир.

Оммавий-маданий тадбирларнинг муҳим вазифаларидан бири –тарбиявий функциядир. “Тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунликка юз тутади ва оқибатда инқирозга маҳкум бўлади”.

Мазкур тарбиявий функция глобаллашув жараёнлари тезлашиб бораётган хозирги мураккаб даврда яна ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув фақат иқтисод ва сиёsat соҳасида эмас, балки маънавият соҳасида ҳам жадаллашиб бормоқда. Айтиш мумкинки, маънавият соҳасидаги глобаллашув бошқа соҳаларга нисбатан жадалрок юз бермоқда.

Маълумки ҳар қандай ҳалқ маънавияти бошқа ҳалқлар манавиятидан ажralган холда ривожланмайди. Миллий маънавиятлар бир-бирини бойитади ва тўлдириб, айни пайтда уларга ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Шу ўринда оммавий-маданий тадбирлар ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш билан бир қаторда, миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш жараёнидаги муҳим функцияси намоён бўлади. Ана шу функцияларни тўлақонли бажарилишида оммавий-маданий тадбирларнинг алоҳида ўрни бор деб эътироф қилишимиз мумкин.

Мамлакатимиз таълим тизимида интерфаол усуллардан фойдаланишга катта аҳамият берилаётган хозирги қунда оммавий-маданий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Илғор тажрибалар шуни кўрсатадики, оммавий-маданий тадбирлардан таълим жараённида фойдаланиш ўкувчи ёшларнинг фаоллигини кескин оширади. Айниқса, таълим шакллари билан санъат элементларининг қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган оммавий-маданий тадбирлар, ёшларнинг ҳам ақлий, ҳам хиссий-эмоционал фаоллигини кескин оширишга хизмат қилади.

Оммавий-маданий, маърифий тадбирлар орасида энг кўп қўлланаётган шакллардан бири мавзули кечалардир. “Мавзули кеча” атамаси дастлаб муайян бир мавзуга бағишланган ва оқшом пайтлари ўтказиладиган тадбирларни англатган. Бундай тадбирлар жумласига учрашув кечалари, хотира кечалари, шеърият кечалари, ватанпарварлик мавзусидаги кечалар, қўшиқ кечалари рақс кечалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мавзули кечаларнинг концертлар, спектакллар ва бошқа санъат жанрларидан асосий фарки шундаки, бу тадбирлар жараёнида театрлаштирилган оммавий харакатлар юзага келади. Бу тадбир давомида ижрочи ва томошибинлар бир бутунликни ташкил этади. Шунинг учун мавзули кечалар, ўз мохиятига кўра, оммавий-маданий байрамларга жуда яқин туради.

Професор Усмон Қорабоев “Маданий тадбирлар” ўкув кўлланмасида мавзули кечаларнинг жанрлари борасида қуйидагича фикрни баён қиласди: маданият уйларида ўтказиладиган мавзули кечалар ўз шакл ва мазмуни жихатидан кўп жанрли хисобланади.

Ижрочи ва томошибин ўртасида вужудга келадиган ўзига хос ва жуда яқин хиссий-эмоционал муносабатлар ўкув юртларида ўтказиладиган мавзули кечаларнинг тарбиявий аҳамияти юқори бўлиши учун имконият яратади. Мана шу имкониятдан фойдаланиш таълим тизимида тарбиявий вазифаларнинг энг мухимларидан бирини муваффақиятли бажариш учун асос яратади.

МУҲОКАМА

Мазкур имкониятдан амалда қандай фойдаланилаётганини ўрганиш мақсадида бир неча таълим муассасаларида ўтказиладиган оммавий дадбирларни кузатдик. Кузатган тадбирларимизнинг аксарияти юқори ғоявий-бадиий савияда ўтганлигининг гувохи бўлдик. Айниқса, “Янги Ўзбекистонда янгича яшаймиз ва ишлаймиз!” мавзусидаги тадбир ёшларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган мухим ўзгаришларни ифода этадиган ватанпарварлик мавзусидаги шеърлар ўқилиши, шеърхонлик рақс ва қўшикларга уланиб кетди. Бу эса тадбирнинг юқори савияда ташкил қилинганлигидан далолат беради.

Ана шу кузатишларимиз натижасида таълим тизимида тахсил олаётган ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирлар ўрни бор, деб хулоса қилиш учун имкон яратади. Шу билан бирга айтиш мумкинки, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида оммавий-маданий тадбирлардан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланишида ва юксалишида катта аҳамият эга.

ХУЛОСА

Юқорида айтиб ўтганимиздек, оммавий-маданий тадбирларнинг жойларда таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашишда, ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда мухимлини таъкидлаш ўринлидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 2014 йил 29 июлдаги 205 сонли Қарори
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2019. 3-том. –Б. 353
3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. –Б. 14
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 19
5. Сиддиқов И.Б. Ёшларда интелектуал маданиятни ривожлантириш: ижтимоий-фалсафий таҳдил. –Фарғона. 2021. –Б. 81
6. Аминов М.Н. Тарбия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2010. –Б. 4